



QIMMATLI QOG'OZLAR
BOZORINI MUVOFIQLASHTIRISH
VA RIVOJLANTIRISH MARKAZINING
TOSHKENT VILOYATI HUDUDIIY
BOSHQARMASI

TASHKENT REGIONAL DEPARTMENT
OF THE CENTER FOR COORDINATION
AND DEVELOPMENT
OF SECURITIES MARKET

100047, O'zbekiston, Toshkent shahar, Buxoro ko'chasi, 10 10, Bukhara str., Tashkent city, Uzbekistan, 100047
Tel.: 998 (71) 233-76-85 Fax: 998 (71) 232-05-45 info.csm.gov.uz e-mail: tashobl@csm.gov.uz

Қ А Р О Р 01-17/37

«17» сентябрь 2014 йил

“Ohangaron don” aksiyadorlik jamiyati Кузатув кенгашининг 2014 йил 27 октябрдаги қарорига ҳамда 2009 йил 30 августда Адлия вазирлиги томонидан 2000-рақам билан рўйхатга олинган Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг 92-бандига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Ohangaron don” ochiq aksiyadorlik jamiyatining nomi “Ohangaron don” aksiyadorlik jamiyatiga ўzgarганлиги муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2011 йил 2 августда L0051-6-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувиға ўзгартириш киритиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- ариза;

- Тошкент вилояти Охангарон тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 24 сентябрда 49-сон билан рўйхатга олинган жамият янги таҳрирдаги уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

- аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилувиға киритилган ўзгартиришлар матни (3 нусха);

- жамият Кузатув кенгашининг 2014 йил 27 октябрдаги мажлиси баённомаси нусхаси;

- ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатларни кўриб чиқиш учун Бошқармага белгиланган йиғим тўланганлиги тўғрисидаги 2014 йил 11 ноябрдаги 6320-сонли тўлов топшириқномасининг асл нусхаси;

- Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига 2014 йил 17 ноябрда берилган акциялар ҳаракатини тўхтатиш тўғрисидаги 719/14-сонли билдиришнома нусхаси;

- тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати.

2. “Ohangaron don” ochiq aksiyadorlik jamiyatining nomi “Ohangaron don” aksiyadorlik jamiyatiga ўзгартирилиши муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2011 йил 2 августда L0051-6-рақам билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилувиға киритилган ўзгартиришлар матни давлат рўйхатга олинсин.

3. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси:

Бошқарма томонидан рўйхатга олинган “Ohangaron don” ochiq aksiyadorlik jamiyatini avval рўйхатга олинган акциялар чиқарилувига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

ушбу қарорнинг бир нусхасини “Ohangaron don” aksiyadorlik jamiyatiga, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси зиммасига юклатилсин.

Бошқарма бошлиғи в.в.б.



Э.Эшанқулов